

“Нуқуқ ва бугҳ” ижтимоий-ҳуқуқий, илмий
журнали сонларини етказиб бериш (обуна)
ШАРТНОМАСИ

№ 32-278

26.01.2011 й.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси номида, Низом асосида директор Ф.Тожинов, (кейинги ўринларда - “Етказиб берувчи”) бир томондан ва Абдуқадир Тўхтатов (кейинги ўринларда - “Обуначи”) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

I. Шартнома предмети

1. “Нуқуқ ва бугҳ” ижтимоий ҳуқуқий, илмий журналнинг обуна индекси 902. Журнал ойда бир маротаба даврийлик билан, А-4 форматда, 64 саҳифада, барча саҳифалари рангли кўринишда чоп этилади, МАРКАЗ журнални ОБУНАЧИга обуна тўлови асосида етказиб беради.

II. Маҳсулот сони, ҳажми, баҳоси

2. Шартноманинг умумий баҳоси қуйидаги тартибда белгиланади.

т/р	Маҳсулот номи	Комплект сони	1 комплект нархи (ҚҚС билан)	Жами нархи (ҚҚС билан)
1	“Нуқуқ ва бугҳ” ижтимоий ҳуқуқий, илмий журнали		400 000 (тўрт юз минг) сўм	

Ушбу шартнома бўйича обунанинг умумий суммаси 400000 сўмни ташкил этади.

III. Журнал сонларини етказиб бериш муддати ва тартиби

3. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ОБУНАЧИга журнал сонларини босмаҳонада унинг тўлиқ адади чоп қилинганидан кейин 5 иш куни ичида етказиб беради. Журнал сонларини етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ҳисобидан копланadi.

IV. Тўлов тартиби

4. ОБУНАЧИ ушбу шартнома бўйича обуна учун тўлов суммасини ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб беш банк куни ичида, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилик бўлимларида рўйхатга олинishi лозим бўлганда, шартнома тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш кунидан кечиктирмасдан ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ҳисоб рақамига пул ўтказиш ёки нақд пул орқали тўлиқ олдиндан (100 фоиз) амалга оширади.

Тўлов нақд пулсиз шаклда тўлов топшириқномаси асосида ёки нақд пул маблағларини банк муассасалари орқали нашриётнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

V. Томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

5.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ОБУНАЧИни ушбу шартномада белгиланган муддат ва миқдорда журнал сонлари билан таъминлайди.

5.2. ОБУНАЧИ ушбу шартноманинг белгиланган қисмида ва тўлов топшириқномасида ўзининг тўлиқ номи ва манзилни, почта индекси, СТИР, ОКЭД, банк ҳисоб рақами, банк коди, телефон рақамларини тўлиқ кўрсатиши шарт.

5.3. ОБУНАЧИ 5.2.-бандда кўрсатилган шартларни обуна шартномаси ҳамда тўлов топшириқномасида (ёхуд почта квитанциясида) аниқ ва равшан кўрсатмаган ҳолда тақдим этса, ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ журнални ушбу камчиликлар обуначи тарафидан бартараф этилмагунча етказиб беришни кафолатламайди.

5.4. ОБУНАЧИ шартномани бир томонлама бекор қилгани, манзили ўзгаргани, ташкилот ўз фаолиятини республика ҳудудида тўхтатгани ҳақида тахририятга бир ой муддатда хабар қилмаса, обуна қолдиги суммаси миқдоридан қатъи назар, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

5.5. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ айби билан (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) журналнинг чоп этилмаган сонлари учун ушбу сонлар суммаси миқдоридаги пул маблағи ОБУНАЧИга қайтарилади.

VI. Коррупцияга қарши курашиш шартлари

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат

мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6.2. Агар шартнома бўйича бир тараф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канали (“@anticorbot”), Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

VII. Форс-мажор

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар қиради.

7.2. Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

8. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

IX. Яқуний қисм

9.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан бири обуначида қолади, бошқа нусхаси ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИга топширилади.

9.2. Шартнома муддати ушбу шартномада кўрсатилган журнал сонларининг етказиб берилиши билан тугаган ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартнома томонлар уни имзолаган кундан, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилик бўлимларида давлат рўйхатига олинishi лозим бўлган тақдирда, тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар, шартнома йиллик тўлиқ обуна миқдорида тузилганда эса, даврий нашрнинг сўнгги сони етказиб берилгунга қадар амал қилади.

VIII. Томонларнинг юридик манзили ва тўлов реквизитлари

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:	ОБУНАЧИ:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази	Юнусобод тумани МТБ
Х/р: 2021 2000 7001 2567 6005	Юнусобод Тел:
“Микрокредитбанк” АТБ	С/с: 400 122 860 262 667 950 100 251 001
Бош офиси	ИНН: 305 145 338 ОКЭД: 84112 МФО: 00014
МФО: 00 433. ОКЭД: 63110.	Молия Вазирлиги Газначилиги
ИНН: 201 453 166.	МБ ББ ХККМ Тошкент ш.
Манзил: 100070. Тошкент шаҳри, Миробод тумани А.Темур кўчаси, 19-уй	МФО: 0 2000 ОКЭД: 6000 1010
Тел.: (71) 233-28-18; (90) 176-54-42	СТИР: 00000000000000000000000000000000
	Манзил:
	Тел./факс:

Директор:



Ф.Тожиев

Handwritten signature: N.A. Akhmedov

Scanned with MOBILE SCANNER



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHRI ADLIYA BOSHQARMASI
YUNUSOBOD TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

100039, Yunusobod tumani, Bog‘ishamol ko‘chasi, 8A-uy,
tel.: (998 97) 325-65-47, el.pochta: yunusobodyurmarkaz@adliya.uz

2022 yil 26 yanvar

Yunusobod tuman
Maktabgacha ta’lim bo‘limi

Yunusobod tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi bilan “Adolat” milliy huquqiy axborot markazi davlat muassasasi o‘rtasida tuzilgan №32-278-sonli “Huquq va burch ijtimoiy huquqiy, ilmiy jurnali sonlarini yetkazib berish to‘g‘risida”gi shartnoma loyihasi yuzasidan o‘tkazilgan huquqiy ekspertiza natijasi bo‘yicha

X U L O S A

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi “Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko‘rsatish faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5168-son Qarori bilan tasdiqlangan “Yuridik xizmat ko‘rsatish markazlari to‘g‘risida”gi Nizomga muvofiq mazkur shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o‘tkazilganda quyidagilar

A N I Q L A N D I :

Yunusobod tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan taqdim etilgan shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 703-708-moddalari va O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi O‘RQ-670-I-son qonuniga asosan №32-278-sonli shartnoma loyihasi asosli tuzilgan.

Yuqoridagilarga ko‘ra, taqdim etilgan shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalari bo‘yicha

X U L O S A Q I L I N D I :

Yunusobod tuman Yunusobod tuman Maktabgacha ta’lim bo‘limi bilan “Adolat” milliy huquqiy axborot markazi davlat muassasasi o‘rtasida tuzilgan №32-



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHRI ADLIYA BOSHQARMASI
YUNUSOBOD TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

100039, Yunusobod tumani, Bog‘ishamol ko‘chasi, 8A-uy,
tel.: (998 97) 325-65-47, el.pochta: yunusobodyurmarkaz@adliya.uz

278-sonli “Huquq va burch ijtimoiy huquqiy, ilmiy jurnali sonlarini yetkazib berish to‘g‘risida”gi shartnoma loyihasi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilganligi, shuningdek, qonunchilik texnikasi qoidalari talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

Yunusobod tuman
Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti



U.I.Tulqinboyev